

НОЯБРЬ.
ОЙ МАВЗУСИ: ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ

Гуруҳ	Ўрта н					
Мавзу	Қуруқлик транспорти					
Муддати	Ноябрь ойининг 1-ҳафтаси					
Ривожланиш соҳаларига оид мақсадлар	Жисмоний ривожланиш ва соғлом турмуш тарзининг шаклланиши	Оёқ учида, товонларда юриш, юриш пайтида мувозанатни сақлаш, тиззаларни юқорига кўтарган ҳолатда югуриш; унча катта бўлмаган тўсиқлардан сакраб ўтиш, сакрагичда сакраш, қўллар билан тортилиш, гимнастика деворига чиқиш машқларини бажариш, хавфли предметлар номларини санаб бериш.				
	Ижтимоий-ҳиссий ривожланиш	Ўйин пайтида болаларга нисбатан хайрихоҳ муносабатда бўлиш, ролли-сюжетли ўйинлар жараёнида болаларнинг ўзаро ҳамкорлигига, жамоа қоидаларига амал қилиш.				
	Нутқ, мулоқот, ўқиш ва ёзиш малакалари	Муҳокама вақтида ўз фикрларини баён қила олиш, саволлар бериш, ўзига берилаётган саволларни тўғри англаш ва уларга жавоб бериш, нутқда сўзларни турли оҳангларда талаффуз қила олиш, имо-ишор ва қўл ҳаракатлардан фойдаланишни билиш.				
	Билиш жараёнининг ривожланиши	Суратларни таққослаш, сутка қисмларини билиш ва ўз нутқида уларни тўғри қўллай олиш, «кўп», «оз», «баробар» тушунчаларини таққослаш орқали аниқлаш, фазода мўлжал олиш, бутун ва унинг қисмлари тушунчаларини фарқлаш.				
	Ижодий ривожланиш	Санъат билан боғлиқ айрим касблар тўғрисида тушунчаларга эга; қўшиқ ва куйлардаги баланд, паст овозларни ажрата олиш, мусиқа асбобининг овозидан таний олиш, расм чизишда деталларига эътибор қаратиш, рангли пластилин ва лойдан буюмлар ясай олиш.				
Ривожланиш марказлари		Таълимий-тарбиявий фаолият				
		Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума
		Ресурслар				
Эркин фаолият	Қуриш-яаш ва математика	Предметларнинг хусусиятлари-геометрик шакллар			Кўприкча	
	Сюжетли-ролли ўйинлар ва сахналаштириш	Автобус				Сурат, ўйин учун пул ,стулча, қурилиш материаллари, АКТ
	Тил ва нутқ	Ривожлантирувчи ўйин: Овозли нарвонча		Турли транспортларда саёҳат		
	Фан ва табиат	Хона ўсимликлари бизнинг дўстимиз		Кузги бокка сайр		
	Санъат	Расм: Юк машинаси		Лой иши: Ҳар хил балиқлар	Аппликация: Қайиқлар қўл бўйлаб сузмақда	Сюжетли расмлар, намуна, қалам, бўёқлар, банкада сув, кўк ва қул рангли қоғоз, мўйқалам, сунъий аквариум, ўйинчоқ, пластилин, тахтача, стек, салфеткалар.
	Умумий гуруҳ бўлиб ишлаш					

НОЯБРЬ. БИРИНЧИ ҲАФТА ҚУРУҚЛИК ТРАНСПОРТИ

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Предметларнинг хусусиятлари. Геометрик шакллар

Мақсад: болалар предметларнинг хусусиятлари: ранги, шакли, ўлчами, квадрат, айлана, учбурчак, тўғри тўртбурчак, овал сингари геометрик шакллартўғрисида тасаввурга эгалар.

Керакли жихоз ва материаллар: геометрик шакллар, геометрик лото

Фаолиятнинг бориши:

1. “Геометрик шакллар салтанатида” таълимий ўйин
2. Геометрик шаклларни кузатиш, таҳлил қилиш.
3. Предметларнинг хусусиятларитўғрисида тасаввурларни мустаҳкамлаш.
4. Жисмоний дақиқа: Музла - эркин бўл.

Қўшимча: болаларнинг мустақил иши.

Эътиборга молик жиҳати: тасаввурларни кенгайтириш, тўғри мўлжал олиш.

Қуриш-ясаш ва математика маркази

Қўприкча

Мақсад: болалар бажарилган ишни таҳлил қиладилар, мустақил тарзда турли ҳажм, шакл ва рангдаги деталларни танлайдилар, уларни фарқлай олишни ўрганадилар.

Керакли жихоз ва материаллар: расмлар, АКТ, қурилиш материаллари, ўйинчоқ машиначалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Қўприк турлари билан танишиш.
2. Болалар томонидан қўприк қурилишини режалаштириш.
3. Макон узра мўлжал -ориентир олиш машқлари.
4. Болалар танлови асосида турли қўприклар қуриш.
5. Жуфтликларда ишлаш.

Қўшимча: кенг ва тор тушунчаси, автомобиль ва пиёдалар қўприклари, уларни қуришда ишлатилган деталлар тўғрисида тушунча бериш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ўзаро келишиб ва маслаҳатлашиб ишлашлари.

Сюжетли-ролли ўйинларва сахналаштириш маркази

Автобус

Мақсад: болалар одобли, атрофдагиларга эътиборли бўладилар, катталарга жой бериш кераклигини биладилар ва унга амал қиладилар.

Керакли жихоз ва материаллар: расм, АКТ, ўйин учун пул, стулча, кубик, леголар

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзу юзасидан АКТ ҳамда расмларни томоша қилиш.
2. Зарур анжомларни тўплаш.
3. «Марҳамат, ўтиринг!» ҳикоясини сахналаштириш.
4. Ролларни тақсимлаш.Сюжетни бойитиш.

Қўшимча: болалар билан жамоат транспортидаги одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида суҳбатлашиш.

Эътиборга молик жиҳати: сюжетни бойитиш, ўйинни мустақил такрорлаш.

Тил ва нутқ маркази

Таълимий ўйин:Овозли нарвонча

Мақсад: болалар жарангли ва жарангсиз товушларни фарқлайдилар. Товушларни гуруҳлай оладилар, бўғинларни кетма-кетликда талаффуз қиладилар.

Керакли жихоз ва материаллар: нарвончалар тасвирланганрасм, жарангли ва жарангсиз ундош, бўғинлар ва таркибида жарангли ва жарангсиз ундош мавжуд предметлар ифодаланган суратлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Суратларни кўздан кечириш.
2. Суратларда ифодаланган предметлар номини айтиш.
3. Бўғинларни ўқиш асносида нарвончалардан кўтариламиз.
4. “Тескарисини айт”. Копток билан таълимий ўйин.
5. Расмларни кўриб, товуш қаерда эканлигини аниқлаш (сўзнинг бошида, ўртасида, охирида).

Қўшимча: мустақил равишда бўғин тузиш таклиф қилинади.

Эътиборга молик жиҳати: сўзларни тўғри талаффуз қилиш.

Тил ва нутқ маркази

Турли транспортларда саёҳат

Мақсад: болалар ҳар хил транспорт турлари ва уларнинг вазифаларини биладилар, жамоат транспортида ўзини тутиш қоидалари билан танишадилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: ўйинчоқ, йўл белги, таълимий расмлар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Мавзуга оид расмларни кўриб чиқиш.
2. “Саёҳат” таълимий ўйин.
3. Топишмоқларни топиш.
4. “Изоҳига қараб топ” таълимий ўйин
5. Мавзу юзасидан якуний суҳбат

Қўшимча: саёҳат ташкил қилиш, кўчада ва жамоат транспортларида юриш қоидаларига амал қилиш “Йўл ҳаракати қоидаси” таълимий ўйин.

Эътиборга молик жиҳати: қўшимчаларни тўғри талаффуз қилиш, содда гапларни тузиш.

Фан ва табиат маркази

Хона ўсимликлари - бизнинг дўстимиз

Мақсад: болалар хона ўсимликларига эътиборли бўладилар, уларни парвариш қиладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: хона ўсимликлари, тоза тупроқ, янги туваклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Сюжетли расмларни куздан кечириш.
2. Болаларни тупроқ хусусиятлари билан таништириш.
3. Таълимий ўйин: Ўсимликлар болалардан ёрдам сўрапти.
4. Ўсимлик экишга тайёргарлик.
5. Экиш.

Қўшимча: тарбиячи болаларга ўсимликларни мунтазам суғориш, озиклантириш зарурлигини тушунтиради.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг хона ўсимликларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари.

Фан ва табиат

Кузги боққа сайр

Мақсад: болалар куз фасли ва дарахт, бута, япроқ ва мевалар тўғрисида маълумотларга эга бўладилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: мавзуга оид расм, болалар адабиёти, АКТ

Фаолиятнинг бориши:

1. Куз фасли манзараси тасвирланган сюжетли расмларни кўриш.
2. АКТдан куз фаслидаги дарахтлар ҳаёти ҳақида фильм намойиши
3. “Куз” шеърини тинглаш.
4. Жисмоний дақиқа: Юзимизга шамол эсмоқда.
5. Якуний муҳокама. Рағбатлантириш

Қўшимча: мавзуга оид расм чизиш, топишмоқ топиш, “Биз қалдирғочлармиз” таълимий ўйин.

Эътиборга молик жиҳати: тенгдошлар билан суҳбатлашиш, саволларга аниқ жавоб бера олиш.

Санъат маркази

Расм: Юк машинаси

Мақсад: болалар турли транспорт воситаларнинг номларини биладилар, бадий ижодиётга қизиқадиладар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: транспорт мавзусига доир расм, қоғоз варақлари, қалам, бўёқ, сув солинган идиш.

Фаолиятнинг бориши:

1. “Махсус транспортлар” таълимий ўйин. (Махсус транспортлартўғрисида суҳбат ташкил қилинади, уларнинг аҳамияти тушунтирилади).
2. “Менинг бўлғуси машинам...” мавзусида ҳикоя тузиш.
3. Юк машинасининг расмини чизиш.

4. Болалар ишлари кўргазмаси. Рағбатлантириш

Қўшимча: сўз ўйинини ташкил қилиш.

Эътиборга молик жиҳати: болаларнинг ижодий қобилияти ҳамда тасаввурларини ривожлантириш.

Санъат маркази.

Лой иши: Ҳар хил балиқлар

Мақсад: болалар пластилинда яшаш усулларини ўзлаштирадilar, кафтнинг тўғри ҳаракати ёрдамида зувалага ишлов берадилар, бармоқлар ёрдамида балиқ шаклини ва унинг тангачаларини ясайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: сунъий аквариум, ўйинчоқ, расм, пластилин, тахта, стеклар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Балиқлар акс эттирилган расм ва ўйинчоқларни кўздан кечириш.
2. Балиқнинг ранги, шакли ва яшаш муҳити тўғрисида суҳбат қуриш.
3. Ижодий иш.
4. Тайёрланган ишлар таҳлили.
5. Балиқларни сунъий аквариумга жойлаштириш.

Қўшимча: аквариумдаги балиқлар ҳаракатини кузатиш, ўйинчоқлар билан ўйнаш. Эртаси ўқиш.

Эътиборга молик жиҳати: ишларнинг тоза, озода ва аниқ бажарилиши.

Санъат маркази

Аппликация: Қайиқлар кўл бўйлаб сузмокда

Мақсад: болалар чиройли композиция ясайдилар, уларни нафис елимлайдилар, қайчидан эҳтиёткорона фойдаланадилар, жадваллар билан ишлайдилар.

Керакли жиҳоз ва материаллар: яшил ва кулранг қоғоз, рангли қоғозлар тўплами, мўйқалам, елим, салфеткалар.

Фаолиятнинг бориши:

1. Транспорт турлари ҳақида суҳбат, суратлар томоша қилиш.
2. Шеър ўқиш.
3. Амалий иш.
4. Иш ўрнини тозалаш.
5. Ишлар кўргазмаси.

Қўшимча: бадиий адабиётлар ўқиш, иллюстрациялар кўриш.

Эътиборга молик жиҳати: елимлаш ишларини нафис бажариш. Кўл ва бармоқ майда моторикасини ривожлантириш.